

Методик қўлланма

# Республика

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ

муассасаларининг халқаро  
рейтингларга кириш  
бўйича тажрибалари



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

# РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРГА КИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБАЛАРИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ  
“ҲЕТАКЧИ НАШРИОТИ”  
2024

**УЎК: 378.046(072)(075)**

**КБК: 74.58я7**

**Х – 92**

**Хуррамов, Мусурмон**

Республика олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларга кириш бўйича тажрибалари [Матн]: методик қўлланма / М.Хуррамов, К.Халмуратова. – Т.: "Yetakchi nashriyoti", 2024. – 28 б.

ISBN 978-9910-9632-7-8

Мазкур қўлланма Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази томонидан республика олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинг ташкилотларига кириш борасидаги тажрибаларини бошқа олий таълим ташкилотлари орасида оммалаштириш мақсадида тайёрланди.

Қўлланмада республика олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларга кириш борасида амалга оширган чора-тадбирлари, ОТМ миқёсида ишлаб чиқилган стратегия ва йўл хариталари, халқаро рейтинглар билан ишлаш бўлимлари фаолияти ва уларнинг эришилган ютуқлари ёритилган.

Ушбу қўлланма олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган.

**Таҳрир ҳайъати:**

Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,  
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

**УЎК: 378.046(072)(075)**

**КБК: 74.58я7**

*Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.*

ISBN 978-9910-9632-7-8

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

## КИРИШ

Бугунги кунда дунёда кечаётган глобаллашув, олий таълимнинг халқаролашуви ва рақамлаштириш жараёнлари, академик мобиллик ҳамда олий таълим фаолиятига замонавий технологияларнинг кенг жорий этилиши олий таълим муассасаларида трансформация жараёнларнинг тезлашишига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда олий таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳоловчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан эълон қилинадиган турли соҳа ва йўналишлар кесимидаги рейтингларнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Маълумки, жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга кириш масаласи аллақачон устувор вазифа сифатида ўз аҳамиятини йўқотган. Ўз ўрнида, халқаро рейтинг ташкилотларининг баҳолаш мезонлари ҳам айнан мазкур олий таълим муассасаларининг ривожланиш архитектураси асосида ишлаб чиқилган.

Аммо ривожланаётган давлатларнинг олий таълим муассасалари учун халқаро рейтингларга кириш уларнинг халқаро нуфузи, жозибадорлиги, таълим сифати ҳамда хорижий талаба ва профессор-ўқитувчилар сонининг ошишига ҳамда олий таълим муассасаси фаолиятига халқаро стандартларнинг тезкорлик билан жорий этилишига туртки берадиган муҳим омил ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим муассасалари ҳам халқаро рейтингларда муносиб ўринларни эгаллаш борасида кенг қўлланма сазо-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг натижасида бир қатор олий таълим муассасалари халқаро рейтинг ташкилотларининг турли соҳа ва йўналишлари бўйича рейтингларига киришни бошлади.

Мазкур қўлланма эса халқаро рейтингларда муносиб ўринларни эгаллаб келаётган айрим олий таълим муассасаларининг рейтингларга кириш борасида олиб бораётган фаолиятига бағишланади.

Қўлланмада, шунингдек, олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларга кириш борасида қўллаб келаётган ўзига хос услублари, стратегиялари ҳамда тажрибалари ўз аксини топган.

Қўлланма халқаро рейтингларга кириш бўйича ишларни энди бошлаган ёш олий таълим муассасалари учун ўзига хос тажриба ҳамда зарур методологик манба бўлиб хизмат қилади.

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини 2030 йилга қадар дунёнинг кучли ТОП–500 университетлар, шунингдек, 10 та олийгоҳни эса ТОП–1000 университетлар қаторига киритиш вазибалари белгилаб берилган.

Ўтган вақт мобайнида республикадаги олий таълим муассасалари дунё таълим бозорида рақобатбардош кадр тайёрлаш, таълим сифатини яхшилаш, университетни халқаро таълим стандартига яқинлаштириш борасида бир қанча ижобий ишларни амалга оширди.

Жорий йил **THE World University Rankings 2023** халқаро рейтингида республикадаги 48 та олий таълим муассасаси “репортер” мақомига эга бўлди. Мазкур рейтингда университетларнинг 18 та индикатор асосида 5 та йўналишдаги самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланди: ўқитиш, тадқиқот муҳити, тадқиқот сифати, саноат ва халқаро истиқболлар. Рейтингдан ўрин олган Ўзбекистон олий таълим муассасалари қаторида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Андижон машинасозлик институти, Андижон давлат университети, Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон давлат педагогика институти, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро давлат университети, Бухоро давлат тиббиёт институти, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Фарғона политехника институти, Фарғона давлат университети, Гулистон давлат университети, Жиззах политехника институти, Жиззах давлат педагогика университети, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган давлат университети, Навоий давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент молия институти, Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент фармацевтика институти, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат шарқшунослик

университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти, Термиз давлат университети, Термиз муҳандислик-технология институти, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти, Урганч давлат университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, Тошкент Кимё халқаро университети ҳам бор. Мазкур кўрсаткичлар ҳар бир университет таълим сифатини яхшилаш, таълим бозорида ва халқаро рейтингда ўз ўрнини эгаллаш борасида ҳаракат қилаётганидан далолатдир.

Маълумот ўрнида, THE World University Rankings 2023 халқаро рейтингда 108 та давлатдан 1 904 та университет фаолиятини баҳолаш бўйича маълумот тақдим этган бўлиб, улардан 769 таси “репортер”, яъни даъвогар университетлар мақомига эга бўлди.

**World University Rankings 2024**

The Times Higher Education World University Rankings 2024 include 1,904 universities across 108 countries and regions.

The table is based on our new WUR 3.0 methodology, which includes 18 carefully calibrated performance indicators that measure an institution's performance across five areas: teaching, research environment, research quality.

Read more... 2024 [How to get your uni ranked](#)

Show me universities best for **overall** in **Uzbekistan** offering any subject

Or, find specific universities **by name**

RANKING	SCORES					
Rank	Name	No. of FTE Students	No. of students per staff	International Students	Female:Male Ratio	
Reporter	Alisher Navoi Tashkent State University of Uzbek Language and Literature	3,802	13.0	7%	82 : 18	<a href="#">Explore</a>

Read more about the World University Rankings 2024

**STUDENT INSIGHTS**

- Best universities in the world
- Best universities in the UK
- Best universities in the United States

[More](#)

**ACADEMIC INSIGHTS**

World University Rankings 2024: results announced

2022 йилда эса **2022 QS World University Rankings: EECA** (Emerging Europe and Central Asia) рейтинги натижалари эълон қилинганда республикамиз олийгоҳларида 2021 йилга нисбатан натижалар ўсганлиги яққол кўзга ташланди.

Натижаларга кўра, Ўзбекистон миллий университети ўз позициясини 100 поғонага яхшилаб, 351-ўриндан 251-ўринга кўтарилган бўлса, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети 40 поғонага юқорилаб, 211-ўринга чиқди. Тошкент давлат техника университети 351-ўрин ва Самарқанд давлат университети 401-позицияни эгаллади.

## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРГА КИРИШ ТАЖРИБАСИ

2022 йил 6 апрелда **Quacquarelli Symonds** халқаро рейтинг компанияси дунё университетларининг фан соҳалари рейтинги (Subject Rankings)ни эълон қилди. Унда Ўзбекистон Миллий университети “**QS by Subject Rankings**” бўйича математика соҳасида эришган натижаларига биноан дунёнинг кучли университетлари орасида **451-500 ўринни** эгаллади. Мазкур фан бўйича олимларнинг Scopus базасига кирган илмий журналлардаги мақолалари сони, улардан иқтибослилик кўрсаткичининг юқорилиги, дунё математиклари университетнинг академик обрўсини юқори баҳоланганлиги бунга йўл очди.

Қуйида Ўзбекистон Миллий университетининг халқаро рейтингларда иштироки, университетнинг бу борада тўплаган тажрибаси ҳамда ишлаб чиққан методологияси борасида фикр юритилади.

Университет **THE** ва **QS** халқаро рейтинглардан ташқари, бир қатор — **GreenMetric World University Ranking** (354+) (Яшил университетларнинг глобал рейтинги), **WURI Ranking** (50+), яъни Дунё университетларининг “**Энг яхши инновацион лойиҳалар**” рейтинг, **Round University Ranking** ва **Multi Ranking** каби халқаро рейтингларда иштирок этди ва яхши натижалар кўрсатди.

Халқаро рейтингларда иштирок этиш оддий жараён бўлмай, балки кўп йиллик натижалар, кўрсаткичлар ҳамда мезонларга асосланади. Иштирокчи университетлар олдида энг катта талаб сифатида рейтинг агентликлари методологиясини чуқур ўрганиш, натижалар эълон қилингандан сўнг уларни таҳлил қилиш, кўрсаткичларни яхшилаш борасида тизимли ва мақсадли стратегик дастурни амалга ошириш вазифалари туради. Чунки университетларнинг халқаро рейтингларда иштирок этиши нафақат муассасанинг академик салоҳияти, балки мамлакатнинг минтақадаги иқтисодий аҳволига ҳам боғлиқ. Шуни айтиш жоизки, дунё рейтингларида иштирок этиш Европа мамлакатлари учун қийинчилик туғ-

дирмаса-да, Ўрта Осиё ва собиқ иттифоқ давлатлари учун айрим нуқсонлари кўзга ташланиши муқаррар. Бунда, биринчи навбатда, дунё олимларининг рақобат тили инглиз тили бўлганлиги илмий обрў кўрсаткичида яққол кўзга ташланади. Собиқ иттифоқ мамлакатларида аксарият илмий нашрлар рус тилида ва уларга бўлган талаб ҳам Scopus базасидан индексация қилинган журнал талабларидан батамом фарқ қилади.

Миллий университетда халқаро рейтингларда иштирок этиш бўлимининг ташкил қилинганлиги бошқа университетларга қараганда мазкур соҳада яхши натижаларга эришишда ўзининг ижобий самарасини берди. Чунки мазкур бўлим мунтазам равишда университет профессор-ўқитувчиларнинг мақолалар нашр кўрсаткичи ва сифатли журналлардаги нашрларини таҳлил қилиш, ёш ўқитувчи ва докторантлар учун мақола нашр қилиш, журнал танлаш ва журналларга мақола юбориш каби мавзуларда семинар-тренинглар ташкил қилиб борди. Дастлаб хорижда фаолият олиб борадиган илмий салоҳияти юқори ва мазкур соҳада тажрибага эга ЎзМУ битирувчилари иштирокида семинар-тренинглар ташкил қилинди, кейинчалик Elsevier компанияси билан ҳамкорликда Workshop, “Журнал клублар” ташкил қилиниб, ўзаро ҳамкорликда фанлар ва йўналишлараро кесишув муаммолари ечимига қаратилган мақолалар нашр қилиш тажрибаси ўргатилди.

Хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига жалб қилиниши, факультетларда хорижий талабаларнинг сонини ошириш ҳамда ҳамкорликда қўшма илмий лойиҳалар ёзиш каби йўналишларда кафедра-ларда олиб борилган ишлар ҳар уч ойда назорат қилиниб, натижаларни яхшилаш ва уларни оширишга бағишланган тадбирлар амалга оширилди. Шу ишларнинг натижаси ўлароқ 2019 йилда университетга жалб қилинган хорижий мутахассислар сони **77 нафар**ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда **105 нафар**, 2022 йилда эса **303 нафарга** кўтарилди (онлайн-офлайн). Шунингдек, хорижий талабаларни ўқишга қабул





қилиш ҳам ўтган йилларга нисбатан 2022 йилда **уч баробар**га оширилганлиги кузатилди.

Университетда мақолалар нашрида дастлаб сонга эътибор қаратилган бўлса, охириги йилларда уларнинг сифатига — юқори факторли, яъни Q1 ва Q2 журналларда мақолалар чоп этилишига эътибор қаратилди. Бунинг учун университет раҳбарияти дастлаб мақолалар сони бўйича бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳар бир мақолага 2 млн. сўмдан муаллифларни рағбатлантирган бўлса, охириги йилларда журналларнинг кватилига қараб мукофотлаш йўлга қўйилди. Яъни Q1 даги нашрлар учун муаллифлар 5 млн. сўмдан, Q2 журналлардаги мақолалар 4 млн. сўм, Q3 журналлардаги нашрлар 3 млн. сўм ҳамда Q4 ва конференция материаллари нашри учун профессор-ўқитувчилар 2 млндан рағбатлантирилди. Мазкур рағбат натижасида 2020 йилда Q1 ва Q2 журналлардаги нашрлар сони 2 баробар ошганлигини қуйидаги жадвалда ҳам кўриш мумкин.

### 2021-2022 йилларда Scopus базасидаги Q1 ва Q2 журналларда нашр қилинган мақолалар сони



#### 1-жадвал

Шунинг учун ҳам 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасидаги мақолалар нашрида етакчилик қилган университетлар натижаси таҳлил қилинганда бошқа университетлардан кўра ЎзМУда яхши натижалар яққол кўзга ташланди. Қуйидаги жадвалда республикадаги олий таълим муассасаларининг нашр кўрсаткичлари акс этган.

**УНИВЕРСИТЕТЛАРДА Q1 ва Q2 ЖУРНАЛЛАРДА МАҚОЛАЛАР Сони**  
(2019-2021 йиллар)

2-жадвал

Олий таълим муассасалари	Жами			
	Q1	Q2	Q3	Q4
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети	149	137	213	222
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети	15	34	70	226
Тошкент давлат транспорт университети	4	5	132	84
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети	60	62	326	347
Тошкент давлат аграр университети	3	8	133	90
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети	17	27	70	61
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети	15	34	70	226

Ўзбекистон олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан 2019-2021 йилларда юқори импакт факторли Q1 ва Q2 журналларда нашр қилинган мақолалар сонини таҳлил қилганимизда қуйидаги натижалар кўринди: Тошкент техника университети томонидан 3 йилда **122 та** нуфузли журналларда, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти **49 та**, Тошкент ахборот технологиялари институти **49 та**, Самарқанд давлат университети **44 та**, Тошкент аграр университети **11 та**, Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари томонидан **286 та** мақола Q1 ва Q2 журналларда нашр қилинган. Номлари қайд қилинган университетларда конференция материллари Q4 журналларда мақолалар нашри асосий кўрсаткични бермоқда. Айтиш жоизки, юқори импакт факторли журналларда мақола нашр қилиш мазкур мақолаларга иқтибослиликни ошишига ва кўплаб соҳа олимларининг хабардор бўлишига олиб келади. Охириги йилларда Q4 ва Q3 журналлар Scopus базасидан чиқиб кетиши ёки ўз фаолиятини тугатиши кузатилмоқда.

Ёш тадқиқотчи ва докторантларнинг илмий журнал танлаш ва халқаро илмий нашрларига кўмак бериш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетидан Elsevier компанияси билан мунтазам семинар-тренинг ва Журнал клублар ўтказиб келинмоқда.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРГА КИРИШ ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 215-банди ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларини халқаро эътироф этилган ташкилотлар **QS** (Quacquarelli Symonds World University Rankings) ва **THE** (Times Higher Education) рейтингининг биринчи 1000 талигига киритиш бўйича ишларни тизимли равишда ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлиги Қўшма қарори ва ундаги 2026 йилга қадар 15 та салоҳиятли олий таълим муассасаларини **QS** ва **THE** халқаро рейтингларига кириши бўйича мақсадли дастурда белгиланган вазибалар асосида иш олиб борилмоқда.

Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университетини халқаро рейтинг агентликларининг нуфузли университетлар рўйхатиغا киритишга тайёрлаш бўйича 2022–2026 йилга мўлжалланган стратегик режа ишлаб чиқилганлиги ва ушбу режа асосида 2023 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган ишларнинг йиллик режаси бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Университетда 2022 йил сентябр ойида “Университет 3.0” Халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар Маркази базасида “Халқаро рейтинг агентликлари билан ишлаш” Маркази ташкил этилиб, ушбу марказ низомига мувофиқ Олий таълим тизимидаги нуфузли рейтинг агентликларидан университет иштирокини таъминлашга оид тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

**1. QS** (Quacquarelli Symonds World University Rankings) рейтинг агентлиги интернетдаги платформасида очилган университет профилига қуйидаги рейтинглар бўйича маълумотлар киритиб борилмоқда: **QS WUR, Sustainability Ranking, WUR Asia** рейтингларида иштирок этиш учун мақсадли кўрсаткичлар профилга киритилиб борилмоқда. Ушбу мақсадли кўрсаткичларнинг агрегатлашган индикаторлари бўйича амалга оширилган ишлар қуйидагилардан иборат:

Академик репутация бўйича сўровларни ташкил қилиш — “**QS Global Academic Survey**”. Университетни дунё университетлари академик жамияти (ОТМлари раҳбар кадрлари, профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар) олдидagi нуфузини аниқлаш мақсадида рейтинг талаблари бўйича 16 январга қадар 381 нафар салоҳиятли респондентлар рўйхати шакллантирилиб профилга жойланди. 2023 йил 6 февралдан бошланган овоз бериш жараёнида 24 мартга қадар 330 нафар респондентларнинг овоз берганликлари тўғрисидаги маълумот жамланди.

Иш берувчилар репутацияси бўйича сўровларни ташкил қилиш — “**QS Global Employer Survey**”. Вазирлик, идора ва ташкилотларда ишловчи етакчи мутахассислар ўртасида ўтказилган сўровномада иштирок этиш учун салоҳиятли 390 нафар респондентлар рўйхати шакллантирилиб, рейтинг агентлиги талаблари асосида 2023 йил 9 январда профилга жойланди. 6 февралдан бошланган овоз бериш жараёнида жами 394 нафар респондентларни овоз бериши ташкил қилинди (тегишли скриншотлар жамланди).

Ушбу рейтингга оид яна қўшимча 9 та агрегатлаштирилган мақсадли кўрсаткичлар бўйича ТДИУ академик, илмий-инновацион фаолиятига оид маълумотлар банки университет ректори ва проректорлар билан келишилган ҳолда университет профилига жойлаштирилиб, маълумотлар 16 январда жўнатилди.

Ҳар бир факультет учун мақолалар сони ва ҳар бир илмий мақолага тўғри келадиган иқтибослар сони. “Elsevier’s Scopus” халқаро журналлар базасига киритилган илмий журнал, китоблар ва конференциялар тўпламида чоп этилган илмий мақолалар сони 2023 йил 27 май санасига **321 тани** (охирги 5 йилдаги чоп этилган илмий мақола ва тезислар) ва 2022 календар йилида **125 тани** ташкил қилган. Ушбу мақола ва тезисларнинг 49 фоизини Scopus Q1 ва Q2 кватрилларидаги журналларда чоп этилган. Иқтибослар сони **984 тани** ташкил қилиб, ҳар бир публикация учун тўғри келадиган иқтибослар 3,1 ни ташкил қилди. Университетнинг h-индекси 7 ни ташкил қилиб, h-индекси 5 ва ундан юқори профессор ўқитувчилар сони 12 нафарни ташкил этди.

**Scopus** халқаро журналлар базаси томонидан тақдим этилган маълумотлардан фойдаланилган ҳолда, ушбу кўрсаткич асосида ТДИУ тадқиқот ҳамкорлиги нуқтаи назардан очиқлик даражасини янада оширишни, илмий мақолаларга халқаро ва локал иқтибослар сонини янада оширишни тақозо қилади.

Веб таъсири. **Webometrics** рейтингига асосланган ТДИУ фаолиятининг онлайн фаоллигини оширишни назарда тутиб, университетнинг расмий сайти WEB саҳифалари сонини ошириш ва уларга ташқи ҳаволалар сонини янада оширишни талаб қилади.

Илмий салоҳият ёки PhD ходимлар сони. ТДИУнинг 2021 йил ҳолатига илмий салоҳияти 54,8 фоизни ташкил қилиб 2021 йилга нисбатан 1,4 фоизга ўсган.

Халқаро профессор-ўқитувчилар ва хорижий талабалар улуши. ТДИУда таълимни байналминаллаштириш ва уни мультимаданий Хабга айлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар рейтинг агентлигидан ўрин олишда муҳим ҳисобланади. 2022 йил ҳолатига жами тўлиқ ставкада ишлаган хорижий профессор ўқитувчилар 60 нафарни ташкил қилиб, ўриндошлик асосида 24 нафар профессор ўқитувчилар академик ва илмий фаолияти билан шуғулланишган. QS рейтинг агентлиги умумий эквивалентлиги методологияси бўйича жами фаолият олиб борган профессор-ўқитувчилар 68 нафарни ташкил қилади.

QS by subject (Фанлар кесимидаги рейтинг). Ушбу рейтинг бўйича “Ижтимоий фанлар ва менежмент”, “Санъат ва гуманитар” фанлар кесимида ТДИУ рейтингда иштирок этмоқда.

QS Sustainability Ranking. Ушбу рейтинг юқорида кўзда тутилган рейтинг индикаторларининг агрегатлаштирилган 6 та кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштириб ТДИУ нинг QS платформасидаги профилига тегишли маълумотлар киритилган.

**2. THE** (Times higher educations) рейтинг агентлиги интернетдаги платформасида очилган университет профилига қуйидаги рейтинглар бўйича маълумотлар киритилиб борилмоқда.

**THE WUR, Impact ranking, THE Asia** рейтингларида иштирок этиш учун мақсадли кўрсаткичлар профилга киритилиб борилмоқда. Ушбу мақсадли кўрсаткичларнинг агрегатлашган индикаторлари бўйича амалга оширилган ишлар қуйидагилардан иборат:

Университетни юқорида қайд этилган академик, илмий-инновацион ва молиявий фаолиятига оид маълумотлар профилга киритиб борилмоқда. Хусусан, **THE Impact ranking 2023** рейтингда иштирок этиш учун университет академик, илмий-инновацион ва молиявий фаолиятига оид маълумотлар ва Барқарор ривожланиш мақсадларининг (SDG) 16 та кўрсаткичлари бўйича маълумотлар 2022 йил 8 ноябрда профилга тўлиқ жойланди. Университет расмий сайтида **sustainability.tsue.uz** субдемон яратилди ва унга SDG 16 та кўрсаткичлари бўйича ҳисоботлар тизимли равишда киритиб борилди. Илмий нашриётчилик фаолиятида SDG 1, 2, 3, 4, 7, 8, 9, 10, 12, 13 мақсадлар бўйича 10 юқори илмий мақолалар ва уларга юқори иқтибосликлар таъминланган. **THE Impact ranking 2023** индикаторларида университет позициясини таҳлил қилиш учун Data point, Enhanced Profile дастур пакетлари сотиб олинди. Айти пайтда университет **THE WUR Reporter, THE Asia Reporter** мақомларини сақлаб турибди.

**Webometrics** рейтингда университетнинг муносиб ўрин эгаллаши учун университет расмий сайти саҳифалар сонини ошириш (62000 та) ва Бэклинклар (116000 та) бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада Webometrics рейтингининг субрейтинглари ҳисобланган Impact Rank кўрсаткичида 10661 ўрин, Openness Rank кўрсаткичида 2265, Excellence Rank кўрсаткичида 6365 ўринни эгаллаган ва Республика Олий таълим муассасалари орасида 2023 йил 1 феврал ҳолатига 7 ўрин қайд этилган. **Webometrics** рейтингда университет позициясини таҳлил қилиш учун Ahrefs, Majestic дастур пакетлари сотиб олинди.

**3. UI Greemetrics** халқаро рейтинги бўйича профилга мақсадли кўрсаткичлар тизимли равишда жойлаб борилди. Тузилма ва Инфратузилма кўрсаткичи бўйича 840 балл, Энергия ва Иқлим ўзгариши кўрсаткичи бўйича 1550 балл, Чиқиндиларни қайта ишлаш кўрсаткичи бўйича 975 балл, Сув тежамкорлиги кўрсаткичи бўйича 750 балл, Транспортлардан фойдаланиш кўрсаткичи бўйича 1360 балл, Таълим ва Илмий изланишлар кўрсаткичи бўйича 1225 балл. Умумий ҳисобда 6700 балл йиғиб дунё бўйича 365-ўрин, Маҳаллий олий таълим муассасалари бўйича 2-ўринни эгалланди.

## Жорий йиш 2, 3, 4-чорақларида амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар қуйидагилардан иборат:

1.1. 2022–2026 йилларга мўжалланган ТДИУни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2023 йил учун “Scopus”, “ScienceDirect”, “Web of Science” ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи журналлардаги мақолалар сонини 600 тадан кам бўлмаган миқдорига эришиш. 2023 йил биринчи кварталда 50 та, иккинчи кварталда 100 та, учинчи кварталда 200 ва тўртинчи кварталда 250 талик кўламини таъминлаш бўйича чоралар кўрилади.

Чоп этилиши кўзда тутилган 600 та мақоланинг 30 таси “Elsevier’s Scopus” халқаро журналлар базаси 1-2-квартилдаги журналларида ва халқаро илмий коллаборация асосидаги илмий мақолалар сифатида чоп этиш бўйича манзилли механизм ишлаб чиқилади.

1.2. Scopus халқаро илмий журналлар базасига кирган журналларда илмий мақолалар чоп этиш орқали иқтибослар сонини 2023 йил декабр-га қадар 3000 тага етказиш таъминланади.

– Scopus халқаро журналлар базаси маълумотларига асосланган ҳолда, дунё бўйлаб бошқа тадқиқотчилар томонидан муассаса профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган мақолаларга иқтибос келтириш частотасига асосланган тадқиқот таъсирини баҳолаш тизимини ривожлантириш. 2022–2026 йилларга мўжалланган ТДИУни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2023 йил декабрга қадар h-индекси 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сонини 30 тага етказиш;

– 2023 йил декабрга қадар университет илмий салоҳиятини 60 фоизга етказиш бўйича манзилли механизм ишлаб чиқиш;

– хорижий профессор-ўқитувчилар сонини ошириш ва 2023 йил октябрга қадар уларнинг жами профессор-ўқитувчиларга нисбатан улушини 20% га етказиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва таъминлаш;

– халқаро талабалар сони котингентини жами талабаларга нисбатан 10%дан кам бўлмаган котингентини ушлаб туриш бўйича PR ташвиқот компанияларини ташкил қилиш;

– университет билан тузилган халқаро меморандумлар асосида нуфузли (Топ 1000) университетлар билан келишилган ҳолда h-индекси 5 ва ундан юқори бўлган профессор ўқитувчиларнинг 400 нафар котингентини 2023 йил сентябр ойига қадар шакллантириш бўйича чора-тадбирларни кўриш ва таъминлаш;

– **QS, THE, Webometrics, Greenmetrics** рейтинг агентликлари мақсадли индикаторлари бўйича ТДИУ профилини доимий янгилаб бориш ва мониторингини амалга ошириш;

– хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари билан **QS** (Quacquarelli Symonds World University Rankings), **THE** (Times Higher Education) халқаро рейтинг агентликлари мақсадли параметрлари кўрсаткичлари асосидаги фаолиятни тизимли равишда йўлга қўйиш;

– академик ва иш берувчилар репутацияси бўйича респондентлар рўйхатини шакллантиришда Халқаро алоқалар ҳамда унинг тасарруфидаги бўлимлар ва кафедралар билан ҳамкорлик қилиш;

– ТДИУнинг интернетдаги расмий сайти саҳифалар ва ташқи ҳавола-лар сонини ошириш;

ТДИУнинг интернетдаги расмий сайтида саҳифалар сонини оширишда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари континентини ўзида мужассамлаштирувчи постлар сонини оширишни мўлжал олиш;

– академик ва иш берувчилар репутацияси бўйича 2024 йилги овоз бериш жараёнида иштирок этиши мумкин бўлган респондентлар континентини шакллантириш ва улар бўйича тегишли маълумотларни 2023 йил 10 сентябргача тақдим қилиш;

– Scopus халқаро журналлар базасида кенг спектрдаги илмий мақо-лаларни ҳар бир илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар учун календар йилига 1 та мақола чоп этишларини KPI тизими орқали баҳо-лашда мажбурий реқвизит сифатида киритиш;

– профессор-ўқитувчилар томонидан интернет тармоғидаги онлайн корреспонденцияларда университет корпоратив почталаридан тўлиқ фойдаланиш тизимини янада ривожлантириш ва назоратга олиш;

– университетнинг WEB рейтингини (webometrics) мустаҳкамлаш мақсадида зарурий дастурий маҳсулотларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялашти-риш;

– хориждан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчилар хизмат са-фарлари билан боғлиқ харажатларни ўрнатилган тартибда молиялашти-ришни ташкил қилиш;

– талабалар алмашинуви бўйича халқаро ҳамкорликка оид тадбир-ларни ўрнатилган тартибларга мувофиқ ўз вақтида молиялаштиришни ташкил қилиш вазифаси юклансин.



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРГА КИРИШ ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармонида ТДЮУни 2030 йилгача халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига кириштириш, шунингдек, унинг миллий рейтингдаги ўрнини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5987-сон Фармони ва Тошкент давлат юридик университети Кузатув кенгашининг 2022 йил 17 февралдаги 1-сон мажлиси баёни билан тасдиқланган 2022–2026 йилларда Тошкент давлат юридик университетини стратегик ривожлантириш дастурини амалга ошириш юзасидан йўл харитада университетнинг халқаро рейтинг кўрсаткичларини ошириш алоҳида муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу чора-тадбирлар режасида **QS World University** рейтингидан университет иштирокини таъминлаш, QSнинг **QS EECA, ESG Metrics, Graduate Employability** рейтингларида иштирок этиш, **THE** ҳамда **QS** халқаро рейтингларидаги ТОП-1000 таликка кирган олийгоҳларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш вазифалари белгиланган. **THE Subject Ranking** 2024 йил учун маълумотлар тақдим этилган.

Шунингдек, 2022 йилда **THE World University Ranking 2023** ва **Young University Ranking** (Ёш Университетлар рейтингидан) фаол иштирок этиб, “Репортер”, яъни рейтингга киришга даъвогар университетлар қаторидан жой олган. **THE Impact Ranking 2022** халқаро рейтингидан эса дунёнинг ривожланган давлатлари қатнашган 1500 га яқин университетлар орасида 4 та йўналиш бўйича ТОП-500 таликдан жой эгаллаган.

Буюк Британиянинг энг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларидан бири **QS (Quacquarelli Symonds) World University Rankings 2023** натижаларига кўра, мазкур рейтингдан 1422 та олий таълим муассасалари ўрин эгаллаб, халқаро рейтинг ташкилоти томонидан 4 та номинация бўйича бутун дунёдан 26 та олий таълим муассасасига ғолиблик тақдим этилди. Тошкент давлат юридик университети **QS World University Rankings 2023** рейтингидан муваффақиятли иштироки учун “**QS Recognition of Data Engagement**” номинацияси бўйича тақдирланди.

ТДЮУ профессор-ўқитувчилари учун “Elsevier” компаниясининг Марказий Осиё ва Озарбайжон давлатлари бўйича маслаҳатчиси Рабига Хожамкул томонидан Scopus ва Scival тизимдан фойдаланиш ва мақола чоп этиш бўйича вебинар-тренинг ҳамда машғулотлар ўтказилди.

**QS STARS** рўйхатида муносиб ўрин олиш учун фаол ишлар олиб борилди, керакли маълумотлар жамланиб, битирувчи ва талабалар ўртасида сўровномалар ташкил этилди ва натижада университет Ўзбекистон олий таълим муассасалари ичида биринчи бўлиб QS STARS рўйхатига киритилди ҳамда 4 юлдузли университет сифатида баҳоланди. Ўқитиш ва иш билан таъминланганлик йўналишида энг юқори натижа — 5 юлдуз қўлга киритилди.

**ТДЮУ UI-Greenmetric 2022** халқаро рейтингининг ТОП-500 рўйхати-га киритилди. 2023 йил ушбу рейтингда дунёнинг 100 га яқин давлатидан 1050 та университет иштирок этди. Тошкент давлат юридик университети ушбу халқаро рейтингда 456-ўринни эгаллаб, ўтган йилга нисбатан 40 поғона юқорилади. Халқаро университетларда яшил иқтисодиёт билан боғлиқ мавжуд ҳолат ва сиёсат бўйича амалга оширилаётган ишлар натижаларини тақдим этувчи бу рейтингда ТДЮУ мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасида энг юқори натижалардан бирини қайд этди.

ТДЮУда Халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича илмий-амалий қўлланма яратилган. Мазкур қўлланмалар — Scopus, Scival, WOS халқаро маълумотлар базаларидан унумли фойдаланиш бўйича видео қўлланмалар, тарқатма материаллар ҳисобланиб, барча керакли маълумотлар университет сайтига ҳам жойлаштирилган.

Scopus ва Web of Science халқаро илмий-техник маълумотлар базадасидаги илмий журналларда мақола чоп этишни тизимли йўлга қўйиш мақсадида “Scopus базасида илмий мақолалар ёзиш тартиби ва унинг босқичлари” мавзусида қатор семинар-тренинглар ўтказилди ҳамда машғулотни Scopus ва Web of Science илмий-техник базаларида 130 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи Дилфуза Эгамбердиева олиб борди.

Шу билан бирга, 2023 йил 28 март куни Буюк Британиянинг энг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларидан бири QS халқаро рейтинги томонидан дунё университетлари, уларнинг ютуқлари ва муваффақиятлари ҳақида нашрлар чоп этилди (<https://www.qs.com/client-successes-and-testimonials/>). Мазкур нашрларда мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасидан фақатгина Тошкент давлат юридик университети эътироф этилиб, Ўзбекистоннинг энг етакчи университети сифатида қайд этилди.

**THE Impact Ranking 2022** халқаро рейтингда эса ТДЮУ дунёнинг 1100 та давлатларидан қатнашган 1600 га яқин университетлар орасида

801 ўринни эгаллаб, 4 та йўналиш бўйича ТОП-500 таликдан жой эгаллади. Булар:

SDG 5 — Гендер тенглиги бўйича — 301 ўрин;

SDG 8 — Муносиб иш ўрин ва иқтисодий ўсиш бўйича — 301 ўрин;

SDG 16 — Тинчлик, адолат ва кучли институтлар бўйича — 301 ўрин;

SDG 4 — Таълим сифати бўйича — 401 ўрин;

SDG 10 — Тенгсизликни қисқартириш бўйича — 601 ўрин;

SDG 17 — Мақсадлар бўйича ҳамкорлик — 601 ўрин.

ТДЮУ **Times Higher Education** томонидан **Asia University Rankings** — **2022** халқаро рейтингда “Репортер” сифатда эътироф этилди ҳамда ТДЮУ ва Times Higher Education рейтинг ташкилоти ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

ТДЮУ **“World’s Universities with Real Impact” (WURI) 2023** глобал рейтингда 101–200 ўринни эгаллаб, ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан 100 поғона кўтарилди. 4 та йўналиш бўйича эса 50–100 ўринларни қайд этди.

Тошкент давлат юридик университети **U-Multirank 2022** халқаро рейтингда (Германия халқаро рейтинги) таълим сифати бўйича мамлакатимиздаги энг кучли университет сифатида эътироф этилди. Жорий йилда **U-Multirank** рейтингига 96 та давлатдан 2202 та университет иштирок этиб, Ўзбекистондан 2 та олий таълим муассасаси ушбу рейтингдан жой эгаллади. ТДЮУ ўқитиш ва таълим сифати бўйича энг кучли университет сифатида қайд этилди. Унинг умумий профили юқори кўрсаткичларни қайд этиб, умумий 11 та критерия бўйича “А” (жуда яхши) балл билан Ўзбекистондаги энг юқори натижаларни кўрсатган университет сифатида тан олинди.

ТДЮУ илк маротаба **Round University Ranking** халқаро рейтингининг ТОП-1000 талигидан жой эгаллади. Таълим сифати бўйича жаҳонда 415-ўрин билан ТОП-500 таликда қайд этилди. **Round University Ranking (RUR)** дунёнинг етакчи университетларини баҳоловчи глобал рейтинг бўлиб, 2010 йилдан буён жаҳоннинг 85 та давлатидан нуфузли университетларни 4 та йўналиш бўйича (20 та кўрсаткич) таққослаб келади. Булар таълим сифати, илмий салоҳият, халқаро хилма-хиллик ва молиявий барқарорлик йўналишларидир. ТДЮУ умумий рейтингда 892 ўринни эгаллаб, ТОП-1000 таликдан ўрин эгаллади.

Университет халқаро хилмахиллик йўналиши бўйича Ўзбекистонда (Country rank) **1-ўрин**, таълим сифати йўналиши бўйича эса халқаро рейтингда 415-ўринни эгаллаб, ТОП-500 таликда қайд этилди.

## **“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРГА КИРИШ ТАЖРИБАСИ**

Тажриба алмашиш эришилган ютуқ ёки йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш эвазига қурилади. Бу эса соҳанинг истиқболига асос бўлиши билан бирга, ҳаракат йўналишларини ҳам белгилаб беради. Бугунги кунда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг дунё олий таълим муассасалари халқаро рейтингдаги ўрни яхшилиниб бориши борасида ҳам айрим мулоҳазалар билдиришга асос бор. Хўш, Халқаро рейтингларга киришда асосий эътибор нимага қаратилиши ўринли деган савол туғилиши табиий.

Жумладан, дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларидан бири ҳисобланган QS (Quacquarelli Symonds) Халқаро рейтинг агентлигининг 2023 йилда эълон қилинган фанлар бўйича рейтинги (QS World University Ranking by Subjects)да 3 та фан соҳаси (Муҳандислик ва технологиялар, Табиий фанлар ҳамда Атроф-муҳит муҳофазаси) бўйича дунёнинг ТОП-500 талик университетлари рўйхатида эътироф этилган эди. Шунингдек, Осиё ва Тинч океани минтақаси университетлари рейтингда ТОП-301 ўринда, Марказий Осиё минтақаси бўйича 14-ўринда ва Ўзбекистон бўйича 1-ўринда қайд этилгани маълум.

QS халқаро рейтинг агентлиги томонидан ташкил қилинган бу йилги “QS Stars audit” баҳолаш рейтинги натижаларига кўра, мазкур университет дунёнинг ТОП университетлари рўйхатида 1000 баллик баҳолаш шкаласида 689 балл тўплади ва унга 4 юлдузли университет мақоми берилди.

Дунё яшил университетлари рейтинги 2023 (World Green University Rankings 2023) бўйича дунёда 603-ўрин, Осиёда 311-ўрин ва мамлакатимизда 7-ўринни эгаллади.

THE (Times Higher education) Халқаро рейтинг агентлигининг 2023 йилда эълон қилинган “THE Impact Rankings 2023”да “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети БМТнинг 5 та Барқарор ривожланиш мақсадлари — БРМ (Sustainability Development Goals — SDG) бўйича иштирок этди ва бутун дунё бўйича БРМ 2 — очликни тугатиш (Zero Hunger) бўйича ТОП-101, БРМ 6 — тоза сув ва санитария (clean water and sanitation) бўйича ТОП-201, БРМ-7 — арзон ва тоза энергия (affordable and clean energy)

бўйича ТОП-301, БРМ 13 — иқлим ўзгаришига қарши курашиш (climate action) бўйича ТОП-201, БРМ 17 — барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик (partnership for the goals) бўйича ТОП-601 ўринларни эгаллади.

Шунингдек, **Rankings Web of Universities** халқаро рейтингда ҳам 2023 йилда дунёда 3624-ўринни, Осиёда 4-ўринни ва Ўзбекистонда 1-ўринни эгаллади.

Энди мазкур ютуқ ва эришилган натижаларнинг мезони ҳақида мулоҳаза билдиришга имкон бор. Даставвал, шуни қайд этиш зарурки, мазкур университетда ҳар бир соҳа ёки йўналишни комплекс ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда, лекин бу халқаро рейтингларга кириш учунгина эмас, балки университетда фаолият юритаётган ҳар бир профессор-ўқитувчи, ходим ва талабалар учун қулай таълим, илмий тадқиқот ва иш муҳитини яратиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Жумладан, таълим жараёнини тўлиқ рақамлаштириш учун фаол иш олиб борилмоқда, шу мақсадда “IT Park” биноси қурилиши ҳамда барча қулайликларга эга замонавий кутубхонани модернизация қилиш ишлари охирига етиб қолди. 2020/2021 ўқув йилидан университетимизда таълим тизими тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтказилгани, 1200 ўринга эга талабалар ётоқхонаси қурилиши, мавжуд йўналиш ва мутахассисликларни халқаро аккредитациядан ўтказиш ишлари давом этаётгани, хорижий ҳамкор университетлар билан фаол ҳамкорлик ишлари амалга оширилиб, улар билан биргаликда илмий мақолалар ёзиш, халқаро лойиҳа ва грантларни амалга ошириш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ишларининг амалга оширилатгани натижалар кафолатидир.



Шунингдек, Президентимизнинг ПҚ–42-сонли қарорига асосан, университет қошида Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти ташкил этилиб, мазкур институтда соҳалар бўйича энг илғор олимлар илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.

## ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРГА КИРИШ ТАЖРИБАСИ

Институтда илмий тадқиқот ва инновцион фаолият натижадорлигини ошириш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиши давом эттирилмоқда. Хусусан, институт Кенгашининг 2022 йил 30 апрелдаги 9/4-сон “Институтда Scopus ва Web of Science базаларида индексла-надиган журналларда мақоласи чоп этилган профессор-ўқитувчиларга бир марталик рағбатлантириш мукофотини тўлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори кенгаш аъзолари томонидан маъқулланган.

Шунга мувофиқ жорий йилда Тошкент молия институтининг 2022 йил 19 августдаги 268-сон, 2022 йил 25 октябрдаги 354-сон “Scopus ва Web of Science маълумотлар базасига киритилган журналларда мақолалари эълон қилинган институт профессор-ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш тўғрисида” буйруғи билан Scopus ва Web of Science маълумотлар базасига киритилган журналларда мақолалари эълон қилинган **21 нафар** профессор-ўқитувчиларга жами **116,9 млн. сўм** тўлаб берилган.

Шунингдек, институтда докторлик диссертациялари ҳимоясини ошириш учун мустақил изланувчилар ҳамда уларнинг илмий раҳбарларини моддий рағбатлантиришни йўлга қўйиш мақсадида Тошкент молия институти ректорининг 2022 йил 2 июндаги 177-сон буйруғи билан “Тошкент молия институтида фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилган мустақил изланувчилар ҳамда уларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларига бир марталик рағбатлантириш мукофотини тўлаш” Низоми тасдиқланган. Ушбу Низомга мувофиқ, докторлик диссертациясини муддатидан олдин ҳимоя қилган мустақил изланувчи ва унинг илмий раҳбарига лавозим маошининг 200 фоизи миқдоридида, ўз вақтида ҳимоя қилган мустақил изланувчига ва унинг илмий раҳбарига лавозим маошининг 100 фоизи миқдоридида, хорижий давлатларда ҳимоя қилган мустақил изланувчилар ва унинг илмий раҳбарига лавозим маошининг 300 фоизи миқдоридида рағбатлантириш мукофоти белгиланган.

Тошкент молия институтида жами — **402 нафар** профессор-ўқитувчилар (ташқи ўриндошлар **26 нафар**), жумладан, **42 нафар** фан доктори

(DSc), **192 нафар** фан номзоди (PhD)) илмий даражасига эга профессор-ўқитувчилар фаолият юритади, илмий салоҳият — **53,8%**.

Институт докторантлари жами **30 нафарни**, жумладан, таянч докторантлар (PhD) **25 нафар**, докторантлар (DSc) **5 нафарни** ташкил этади.

Шунингдек, **40 ёшгача илмий даражалиларнинг улуши — 164 нафар** ёки **70,1%**.

Институт раҳбарининг 2022 йил 19 августдаги 269-сон ҳамда 2022 йил 25 октябрдаги 355-сон буйруқларига мувофиқ, **6 нафар** мустақил изланувчилар муддатидан олдин докторлик диссертацияларини ҳимоя қилганлиги учун ҳамда **4 нафар** илмий раҳбар лавозим маошининг 200 фоизи миқдорида, **2 нафар** мустақил изланувчилар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилганлиги учун ҳамда **4 нафар** илмий раҳбарларга лавозим маошининг 100 фоизи миқдорида жами **16 нафар** профессор-ўқитувчи **67,8 млн. сўм** миқдорида моддий рағбатлантирилган.

2022 йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра, жами **53 та**, шундан, **6 та** фан доктори DSc ва **47 та** фалсафа доктори (PhD) докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Шу билан бирга, институтда монография чоп этган профессор-ўқитувчиларни ҳам рағбатлантириш тизими йўлга қўйилган. Институт раҳбарининг 2022 йил 27 июндаги 202-сон буйруғи билан “Дарслик, ўқув қўлланма ва монография яратган ва нашр этган профессор ўқитувчиларга бир марталик рағбатлантириш мукофотини тўлаш” Низоми тасдиқланган. Мазкур низомга мувофиқ, монография чоп этган профессор-ўқитувчига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7 баравари миқдорида рағбатлантириш мукофоти белгиланган.

Жорий йилда институтнинг **7 нафар** профессор-ўқитувчилари томонидан етти номдаги монография чоп этилганлиги муносабати билан **45,0 млн. сўм** миқдорида бир марталик рағбатлантириш мукофоти тўлаб берилган.

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Ўрганилган материал ва таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, нафақат Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасалари, балки қўшни, яъни Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва бошқа давлатларнинг олийгоҳларида ҳам дунё халқаро рейтингига киришда етарлича муаммолар mavjud.

QS ASIA UNIVERSITY RANKING 2023 (Марказий Осиё)										
рейтинг	ОТМ	мамлакат	Q1	Q2	Q3	Q4	Q1 Q2	Q3 Q4		
<b>44</b>	Ал-Фаробий номидаги Қозоқ миллий универ-ситети	Қозоғистон	1048	903	1458	999	1952	2457		
<b>96</b>	Л.Н.Гумилёв номидаги Евроосиё миллий уни-верситети	Қозоғистон	514	598	547	395	1122	942		
<b>147</b>	Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика уни-верситети	Қозоғистон	1104	235	221	72	339	293		
<b>177</b>	Мухтор Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети	Қозоғистон	49	124	164	192	173	356		
<b>281+</b>	Қирғизистон-Туркия Манас университети	Қирғизистон	92	104	114	777	196	191		
<b>301+</b>	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети	Ўзбекистон	116	60	340	593	176	933		
<b>351+</b>	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети	Ўзбекистон	255	211	283	310	466	493		
<b>451+</b>	Жангир хон номидаги Ғарбий Қозоғистон аграр ва техника университети	Қозоғистон	22	50	85	275	72	347		



Нашр фаолияти жаҳон илмий ҳамжамиятида олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари фаолиятининг муваффақияти ва самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган асосий мезонлардан биридир. Нашрларнинг сони, мақолаларга ҳаволалар, мақолалар индекси, хорижий ҳаммуаллиф билан ҳамкорликда чоп этилган мақолалар, Европа ва Осиё мамлакатлари олимлари билан ҳаммуаллифликда чоп этилган мақолалар муайян илмий муассаса ишининг муваффақияти баҳоланадиган муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Нашр фаоллигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири университет профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчилари ишини рағбатлантиришнинг турли хил кўринишларини ишлаб чиқишдир. Масалан:

- халқаро библиометрик маълумотлар базаларида индексланган журналлардаги нашрлар учун алоҳида рағбат;
- илмий мақолалар кўп нашр қилган профессор-ўқитувчилар ўқув юклама соатларини қисқартириш;
- профессор-ўқитувчиларнинг нашр индекси кўтарилишига қараб алоҳида рағбат;
- мақола нашр қилган журналнинг нуфузига қараб рағбат жорий қилиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, рағбатлантирувчи дастур тадқиқот соҳасини, ҳисобот даврида нашрларнинг сонини ва журналнинг сифати (журнал базасида қайси кватилда жойлашганлиги)ни ҳисобга олиши керак. Times рейтингига кириш учун ўқитувчилар мақолаларини энг кўп баҳоланган журналларда тез-тез (йилига 2-3 марта) нашр қилишлари тавсия этилади.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган жаҳон рейтинглари асосидаги халқаро библиометрик маълумотлар базалари, асосан инглиз тилида нашр этиладиган индекс журналлари халқаро илмий тил эканлигини инобатга олиш лозим.

Бинобарин, университет халқаро миқёсда ўз обрўсини яратиши, танилиши, халқаро илмий майдонда фаол иштирок этиши учун университет ходимлари ўз мақолаларини инглиз тилида нашр этишлари керак. Илмий тил инглиз тили эканлиги, Марказий Осиё давлатларининг олий таълим муассасаларида мақолалар нашр қилишда профессор-ўқитувчиларнинг инглиз тилини яхши билмасликлари ёки таржима қилинган мақолаларнинг сифат даражаси пасайиши каби бир қатор муаммолар тўғрисида илмий журналларда фактлар кўрсатиб ўтилган. Айтиш жоизки, ёши улуғ профессорлар ва мустақил тадқиқотчиларнинг аксарияти инглиз тилида мақола нашр қилиш, журнал танлаш, журнал талаблари доирасида мақо-

лани расмийлаштириш ма-  
саласида етарли тажрибага  
эга эмаслиги мазкур соҳада  
бир қанча муаммоларни  
келтириб чиқармоқда.

Бу борада самарали  
ишларни ташкил қилиш  
учун қуйидагиларга эътибор  
қаратиш лозим:

- истиқболли йўналиш  
ва мутахассисликларда инглиз тилини асосий таълим тили сифатида  
белгилаш ва улар сонини йилма-йил ошириб бориш;
- бакалаврият, магистратура ва докторантурада инглиз тилини би-  
лиш даражаси бўйича сертификатни талаб қилиш;
- халқаро конференцияларда инглиз тилида маърузалар билан  
иштирок этиш;
- ўқитувчилар учун текин инглиз тили курслари ташкил қилиш;
- инглиз тилини билган ва махсус сертификатга эга ходимлар мао-  
шига рағбатни мунтазам бериб бориш;
- ишга қабул қилишда инглиз тилини билган истиқболли ёш олим-  
ларни қабул қилиш механизмларини йўлга қўйиш.

Халқаро рейтинг агентликлари методологиясининг баҳолаш мезони-  
да энг катта фоиз бу академик обрў ва иш берувчилар мавқесига ажра-  
тилган. Эришилган тажрибага таяниб, мазкур кўрсаткичларни ошириш  
бўйича қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин: **Академик обрўни** оши-  
риш учун:

- 1) халқаро конференция, форум ва семинарларни мунтазам ўтказиш;
- 2) халқаро қўшма илмий лойиҳаларни кўпайтириш;
- 3) хорижий олимлар билан ҳамкорликда илмий лойиҳаларда ишти-  
рок этиш;
- 4) қўшма таълим дастурлари сонини ошириш;
- 5) икки раҳбарликни йўлга қўйиш;
- 6) хориж олимлари билан ҳаммуаллифликда мақолалар, дарслик ва  
монографиялар ёзиш лозим.

**Иш берувчилар репутацияси** бўйича кўрсаткичларни ошириш учун  
қуйидагиларни фаоллаштириш шарт:

- 1) университетларда “Битирувчилар ассоциацияси”ни тузиш ва фао-  
лиятини ривожлантириш;
- 2) битирувчилар билан турли хил учрашувлар, юбилей тадбирлари,  
форумларни ўтказиш;

# Scopus®



WEB OF SCIENCE®

THOMSON REUTERS

3) университет, факультет ва кафедраларнинг ўз битирувчилари базасини шакллантириб бориши;

4) “Очиқ эшиклар куни”, “Карьера куни” каби тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш;

5) Хорижда ва қўшни давлатларда бўлиб ўтадиган халқаро таълим кўргазмаларида қатнашиш кабилар.

Олий ўқув юртининг жозибадорлиги ва обрўсига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири хориждан келган педагог кадрнинг мавжудлигидир. Кўпроқ хорижий тадқиқотчиларни жалб қилиш, айниқса, бошқа университетларнинг профессорлари билан ҳамкорликда мақолалар чоп этиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, олийгоҳларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичларини ошириш бўйича тизимли ва манзилли ишларни амалга ошириш, давлат томонидан университетларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш шарт. Ҳар бир университет яқин ва узоқ йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши ва улар асосида мақсадли индикаторлар ҳамда чора-тадбирлар режасининг бажарилиши бўйича мунтазам мониторинг қилиб бориши лозим.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Республика олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги ўрни ..	4
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг халқаро рейтингларга кириш тажрибаси.....	6
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро рейтингларга кириш тажрибаси .....	10
Тошкент давлат юридик университетининг халқаро рейтингларга кириш тажрибаси .....	16
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг халқаро рейтингларга кириш тажрибаси .....	19
Тошкент молия институтининг халқаро рейтингларга кириш тажрибаси .....	21
Республика олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар .....	23

Услубий нашр

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ  
ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРГА КИРИШ БЎЙИЧА  
ТАЖРИБАЛАРИ

Методик қўлланма

Муҳаррир:  
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:  
Ш. Бекназаров

Бадий муҳаррир:  
З. Шоимов

Мусахҳиҳа:  
Д. Бекназарова

Дизайнер:  
Ф. Қўзиёв



Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.  
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.  
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. "Pragmatica" гарнитураси.

Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.

Адади 500 нусха. Буюртма № OV-15.

Баҳоси шартнома асосида.

"Yetakchi nashriyoti", 100190, Тошкент шаҳри,  
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.  
e-mail: yetakchi\_nash@mail.

"Mehr-nuri nashriyoti" УК босмаҳонасида чоп этилди.  
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.  
Телефон: +99890 394-10-65

**Р**еспублика

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ**

**муассасаларининг халқаро  
рейтингларга кириш  
бўйича тажрибалари**



ISBN 978-9910-9632-7-8



9 789910 963278